

MARKAZIY OSIYODA ISLOM SIVILIZATSIYASI: O‘TMISH VA HOZIRGI ZAMON

VI XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI TO‘PLAMI

2025-yil sentabr, Toshkent, O‘zbekiston Respublikasi



PROCEEDINGS OF THE 6th INTERNATIONAL
SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE

ISLAMIC CIVILIZATION IN CENTRAL ASIA: PAST AND PRESENT

September 2025, Tashkent, Republic of Uzbekistan

“O‘zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi”
nashriyot-matbaa birlashmasi
Toshkent – 2025

UO‘K: 28(5-191.2)(093)(06)

KBK: 85.657.317

M 99

“Markaziy Osiyoda islom sivilizatsiyasi: o‘tmish va hozirgi zamon” [Matn]: VI xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to‘plami / tuzuvchilar guruhi. – Toshkent: “O‘zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi” nashriyot-matbaa birlashmasi, 2025. – 476 b.

Proceedings of the 6th International Scientific-Practical Conference “Islamic Civilization in Central Asia: Past and Present” / Foreword by Muzaffar Kamilov and Preface by Mahmud Erol Kılıç. Editor: Jasurbek Abduqodirov. - Tashkent: International Islamic Academy of Uzbekistan, 2025. 476 - p.

Mas’ul muharrirlar/Chief Editors:

Irgash Daminov, Ashirbek Mo‘minov, Ne‘matullo Muhamedov

Tahrir hay’ati/Editorial Board:

**M.E.Kılıç, M.Kamilov, A.Mo‘minov, D.Maxsudov, G‘.Rasulov,
N.Muhamedov, A.Hasanov, S.Agzamxodjayev, A.G‘aniyev, N.Nasrullayev,
T.Xatamov, Sh. Toxtiyev, H.Lutfullayev, O. Tangirov, M.Usmonov, S.G‘aybullayev,
Z.Ziynatullayev, G. Sharipova, G.Ahmadjonova, J.Abduqodirov**

O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2024-yil 27-dekabrda 490-son buyrug‘iga muvofiq O‘zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasida Islom tarixi, san’ati va madaniyatini tadqiq etish markazi – IRCICA bilan hamkorlikda 2025-yil 16-sentabrda “**Markaziy Osiyoda islom sivilizatsiyasi: o‘tmish va hozirgi zamon**” VI xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi tashkil qilindi.

Ushbu to‘plamda an’anaviy xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari o‘rin olgan. Unda xorij va respublikamizdagi oliy va o‘rta-maxsus ta’lim muassasalarida faoliyat olib boruvchi professor-o‘qituvchilar, tarixchilar, islomshunoslar, dinshunoslar, sharqshunoslar, manbashunoslar, san’at va madaniyat tarixi tadqiqotchilari, shuningdek, yosh ilmiy izlanuvchilar, doktorantlar, magistr va bakalavrlarning ilmiy ishlari asosida yozilgan maqolalar jamlangan.

To‘plamga kiritilgan maqolalarda keltirilgan sana, raqam, fakt va boshqa ma’lumotlar uchun mualliflar javobgardir.

O‘zbekiston Respublikasi Din ishlari bo‘yicha qo‘mitaning 2025-yil 9-sentabrda 02-07/5654-sonli xulosasi asosida tayyorlandi.

ISBN 978-9910-9309-6-6

© “O‘zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi”
nashriyot-matbaa birlashmasi, 2025

shialar o‘rtasidagi diniy adovat yordamchi g‘oya sifatida ahamiyat kasb etishiga qaramay, urushlarni g‘amgin tusga bo‘yadi. Har ikkala tomondan ham shafqatsizlikka yo‘l qo‘yildi. Sunniy, ayniqsa Markaziy Osiyo faqihlari tomonidan (islom tarixida ilk marotaba) asirga tushgan shialarni qulga aylantirish va ularni qul bozorlarida sotish joizligi haqidagi fatvolar berildi. Eronda shialikning g‘alaba qozonishi emas, balki sunniylarga bo‘lgan mutaassib murossasizlik XVI asr boshlariga kelib shialarga bo‘lgan nafratning oshishiga olib keldi.

* * *

“ФУТУХ АЛ-БУЛДОН” АСАРИ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

MANUSCRIPT COPIES OF THE WORK “FUTUH AL-BULDAN” AND THEIR CHARACTERISTICS

Умматалиев Соҳибжон Хикматали ўғли,

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси

“Исломишунослик ва ислом цивилизациясини

ўрганиш ICESCO” кафедраси ўқитувчиси,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)

Марказий Осиёнинг илк ўрта асрлар тарихини ўрганишда араб ва форс тилида ёзилган манбалар муҳим аҳамият касб этади. Аҳмад ибн Яҳё ал-Балазурийнинг “Футуҳ ал-булдон” асари ҳам Марказий Осиё тарихи ҳақида маълумот берувчи муҳим асарлардан бири ҳисобланади. Асарнинг бир неча қўлёзма нусхалари бугунги кунгача етиб келган бўлиб, улар жаҳоннинг турли қўлёзма фондларида сақланади. Қуйида уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтилади.

Асарнинг Америка қўшма штатларининг Нью Хавен шаҳридаги Йел университети кутубхонасида сақланаётган нусхаси Х асрда кўчирилган бўлиб, қадимийлиги билан бошқа нусхалардан ажралиб туради. У университетнинг Беинеске нодир китоблар ва қўлёзмалар кутубхонасидаги араб қўлёзмалари тўпламидан ўрин олган. Қўлёзма ҳақида Фуат Сезгин (1924-2018) “Geschichte des arabischen Schrifttums” (“Араб ёзма манбалари тарихи”) асарида маълумот берган¹³⁷. Сезгин таъкидлаганидек, қўлёзма Ландберг МСС 33 шелф белгиси билан каталогланган. Чунки у швед шарқшуноси граф Карло Ландберг (1848-1924) томонидан тўпланган қўлёзмалар таркибида бўлган. 1900 йили Америка миллий тарихи музейи директори М.К.Жессап (1830-1908) К.Ландбергдан қўлёзмаларни сотиб олган ва Йел университетида совға қилган¹³⁸.

Мазкур қўлёзма нусха қадимийлиги билан алоҳида аҳамиятга эга бўлса-да, унда колофон мавжуд эмас. Китобнинг 1а саҳифасида “Зайл ат-Табарийнинг муаллифи ал-Фарғоний хати билан” деган жумла келтирилган. Қўлёзманинг котиби машҳур тарихчи Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг шогирди Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Фарғоний (ваф. 973) бўлиб, ат-Табарийнинг “Тарих ар-русул ва ал-мулук” асарига қўшимча “Зайл тарих ат-

¹³⁷ Sezgin, Fuat. Geschichte des arabischen Schrifttums. – Leiden: E. J. Brill, 1967.

¹³⁸ Ryan J. Lynch. Arab Conquests and Early Islamic Historiography The Futuh al-Buldan of al-Baladhuri. – London: Bloomsbury publishing, 2020. – P 30.

Табарий” номли асар ёзган¹³⁹. Котибнинг яшаган даври асарнинг X асрда кўчирилганлигига далолат қилади.

Қўлёзма насх ёзувида бўлиб, саҳифанинг аксарият қисмини эгаллаган ва жуда зиж шаклда ёзилган. У 96 варақдан иборат ва уларнинг аксарияти шикастланган. Хусусан, айрим саҳифаларнинг чети йиртилган ҳамда муқовадан ажраган.

Бугунги кунгача “Футуҳ ал-булдон” асарининг замонавий нашрлари бир неча маротаба чоп этилган бўлса ҳам уларда мазкур қўлёзмадан истифода қилинмаган. XX аср бошида Йел университетида фаолият юритган машҳур тарихчи ва археолог Чарлз Торри (1863-1956) янги сотиб олинган Ландберг коллекциясидаги баъзи ноёб асарларни қисқача сарҳисоб қилар экан, “Футуҳ ал-булдон” асари қўлёзмаси ҳақида шундай деган эди: “Ландберг коллекциясида Балазурийнинг “Футуҳ ал-булдон” номи билан машҳур бўлган энг қадимий ва энг яхши қўлёзмаси мавжуд... Асар аллақачон нашр этилган, бу ҳақиқат; лекин тез орада унинг янги наشري чиқади ва бунинг учун бизнинг кутубхонамиздаги қўлёзма асос бўлиб хизмат қилади”¹⁴⁰.

Эҳтимол, асарнинг Йел нусхаси ва бошқа нусхалар ўртасида кескин фарқнинг мавжуд эмаслиги унга мурожаат қилинмаслигига сабаб бўлгандир. Шундай бўлса-да “Футуҳ ал-булдон” асари устида илмий изланиш қилаётган тадқиқотчилар учун ушбу қадимий қўлёзма алоҳида аҳамият касб этади.

Асарнинг Йел нусхаси замонавий нашрларни тайёрлашда эътибордан четда қолган бўлса-да, унинг Лейден¹⁴¹ университети кутубхонасида сақланаётган нусхаси бир неча нашрларда фойдаланилган. Ушбу қўлёзма кутубхонада инв. N 430 рақами остида бўлиб, 274 та варақдан иборат. Лейден қўлёзмаси бошқа нусхалардан йирик хат турида ёзилганлиги ва сатрлар орасининг катталиги билан ажралиб туради. Унда араб ёзувидаги диакритик белгиларнинг аксари мавжуд эмас, лекин баъзи ўринларда сўзларнинг маъносида тушунарсизлик юзага келмаслиги учун нуқталар қўйилган. Бироқ бу ҳолат ҳар доим ҳам кузатилмайди. Боб сарлавҳалари, اولاق (“улар айтдилар”) каби кириш иборалари ва айрим ўринларда ўқувчининг эътиборини жалб қилиш учун боб таркибидаги кичик мавзулар ҳам қизил сиёҳда ёзилган. Хусусан, Шом шаҳарлари бобидаги “Қайсариянинг забт этилиши” мавзуси шу шаклда келган¹⁴².

Қўлёзма охирида китоб Аҳмад ибн Ниъма ал-Муқаддасий (1179-1270)¹⁴³ томонидан ҳиж. 613-йилнинг 10-Мухаррамида (мил. 1216-йил 29-апрел) кўчирилганлиги ҳақидаги қисқача колофон бор¹⁴⁴.

“Футуҳ ал-Булдон” қўлёзмаларидан яна бири Лондондаги Британия музейи коллекциясида сақланади. У инв. N 23264 рақами остида бўлиб, у ҳақидаги маълумотлар Уилям Куретон (1808-1864) ва Чарлз Риу (1820-1902) томонидан 1871-йилгача бўлган араб қўлёзмалари каталогига киритилган¹⁴⁵. Қўлёзма Лейден нусхасидан майда хат турида ёзилганлиги билан фарқланиб туради. У 101 та варақдан иборат бўлиб, Лейден қўлёзмасидан кўра кўпроқ диакритик белгиларни ўз ичига олган. Шунинг учун асарнинг 1866 йилдаги нашини тайёрлаган Михаил

¹³⁹ Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-Удабо. – Байрут: Дар ал-ғарб ал-исломий, 1993. – Б. 1493; Шамсуддин аз-Заҳабий. Сияр аълам ан-Нубала, Ж. XII. – Қоҳира: Дар ал-ҳадис, 2006. – Б. 210.

¹⁴⁰ Arab Conquests and Early Islamic Historiography The Futuh al-Buldan of al-Baladhuri. – P 30.

¹⁴¹ Лейден — Нидерландиянинг ғарбий қисмидаги шаҳар, жанубий Голландия провинциясида жойлашган.

¹⁴² Arab Conquests and Early Islamic Historiography The Futuh al-Buldan of al-Baladhuri. – P. 27.

¹⁴³ Аҳмад ибн Ниъма ал-Муқаддасий – Котиб ва муҳаддис бўлган. Дамашқда яшаб, ижод қилган. У ўз кутубхонасида кўплаб тарихий асарларни жамлаган. Ал-Муқаддасий чиройли ҳуснихат билан китобларни кўчирган. Шу билан бирга китобат санъатида ўзига хос маҳоратга эга бўлиб, кўплаб китобларни кўчиришга муваффақ бўлган. У эллик йилдан зиёд котиблик фаолияти давомида икки минг жилд китобни қозоғза туширган.

¹⁴⁴ Arab Conquests and Early Islamic Historiography The Futuh al-Buldan of al-Baladhuri. – P 27.

¹⁴⁵ Cureton, William, and Charles Rieu. Catalogus codicum manuseriptorum orientalium qui in Museo Britannico asservantur: Pars secunda, codices arabicos. – London: Impensis cutatorum Musei Britannici, 1846–1871.

Ян Де Гве (1836-1909) Британия музейи қўлёзмасининг сифатини Лейдендаги қўлёзмага нисбатан ижобий баҳолайди. Каллофонда қўлёзманинг ҳиж. 851 (мил. 1447) йилда Иброҳим ибн Умар ал-Бақоий (1407-1480)¹⁴⁶ тарафидан кўчирилганлиги ҳақида маълумот берилган.

Қўлёзма матнидан Ал-Бақоийнинг фақат котибгина эмас, балки ислом тарихига бўлган қизиқишини ҳам билиш мумкин. Чунки у Абул-Қосим Абдурахмон ибн Абдуллоҳ ибн Абдулҳакам ал-Мисрий (803-871)нинг “Футуху Миср ва ал-Мағриб” асаридан иқтибос келтиради. Хусусан, қўлёзмадаги “Андалуснинг забт этилиши”га оид бўлим тўғридан-тўғри ибн Абдулҳакамнинг асаридан ўзига хос услубда кўчирилган¹⁴⁷.

“Футух ал-Булдон”ни 1956 йили Қоҳирада нашр эттирган тарихчи Салоҳиддин ал-Мунажжид (1920-2010) асарни тадқиқ қилиш жараёнида унинг Қоҳирадаги “Дар ал-кутуб ал-Мисрийя” кутубхонаси Таймур коллекциясида ҳам қўлёзма нусхаси мавжуд эканлигини қайд этган. Бироқ у “Футух ал-булдон” деб номланган бўлса-да, муаллифи Аҳмад ибн Яҳё ал-Балазурий бўлмаган. Шунингдек асарда Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийдан нақл қилинган ривоятлар келтирилган¹⁴⁸. Ал-Мунажжид ушбу қўлёзма Балазурий асари эмаслигини билган, лекин унинг муаллифи ҳақида маълумот бермаган. Қоҳирада сақланаётган мазкур тўлиқ бўлмаган қўлёзманинг номи нотўғри бўлиб, аслида Сулаймон ибн Мусо ал-Килоий (1170-1237)нинг “ал-Иктифаъ фи мағозий ал-Мустафа” (Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юришлари ҳақида кифояли билим) асари эканлиги Оксфорд университети тарихчиси Рян Ланч томонидан аниқланган ва “Arab Conquests and Early Islamic Historiography The Futuh al-Buldan of al-Baladhuri” (Араб юришлари ва илк ислом даври тарихшунослиги Балазурийнинг Футух ал-булдон асари асосида) номли монографиясида бу ҳақида айтиб ўтган¹⁴⁹.

Ал-Балазурий асарининг яна бир қўлёзма нусхаси Бирлашган араб амирликларининг **Дубай** шаҳрида жойлашган Жума ал-мажид қўлёзмалар фондида инв. N 247615 рақами остида сақланади. Фонднинг интернет сайтида қўлёзма 119 саҳифадан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилган¹⁵⁰. Лекин унинг котиби ёки нечинчи асрга мансубдиги ҳақида маълумот берилмаган.

Демак, **Асарнинг бугунги кунда Америка қўшма штатларининг** Нью Хавен, Буюк Британиянинг Лондон, Нидерландиянинг Белгия, Бирлашган араб амирликларининг Дубай каби шаҳарларида қўлёзма нусхалари мавжуд. Улардан Лейден ва Британия кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма нусхалари асарнинг замонавий нашрини тайёрлаш учун фойдаланилган. Асарнинг Йел университети нусхаси бошқаларига қараганда қадимийроқ бўлса ҳам негадир ҳали унга мурожаат қилинмаган. Бу эътибордан четда қолган нусхани ҳам тадқиқ этиб, илмий истифодага киритиш, бугунги кунгача замонавий нашрлар устида амалга оширилган тадқиқотларни янада бойитишга хизмат қилган бўлар эди.

* * *

¹⁴⁶ Иброҳим ибн Умар ал-Бақоий XV асрнинг кўзга кўринган олимларидан бири бўлиб, фикҳ, араб тили грамматикаси, тафсир, ислом тарихи каби илмларни эгаллаган. У ибн Ҳажар ал-Асқалоний, Абул-фазл ал-Мағрибий, Аъло ал-Қалқашандий каби машҳур муҳаддислардан илм олган.

¹⁴⁷ Arab Conquests and Early Islamic Historiography The Futuh al-Buldan of al-Baladhuri. – P 30.

¹⁴⁸ Балазурий. Футух ал-булдон / муқаддима ан-ношир. – Қоҳира: Мактаба ан-наҳда, 1956. – Б. 25.

¹⁴⁹ Arab Conquests and Early Islamic Historiography The Futuh al-Buldan of al-Baladhuri. – P 32.

¹⁵⁰ http://www.almajidcenter.org/ar/material_details.php?bId=247615.

MUNDARIJA

M.Kamilov. Kirish soʻzi.....	3
Mahmud Erol Kılıç. Preface	5

PLENAR MAJLIS MA'RUZALARI

A.Муминов. Исламские институты в эпоху Караханидов	7
I.Daminov. Abu Muin Nasafiy – Abu Mansur Moturidiy ta'limotining yirik namoyandasi	11
Orhan M. Çolak. Özbek hanlarinin Osmanli padişahlarına hediye ettikleri mushaflar.....	16
G.Ganiyeva. Movarounnahrda muhaddisa va faqihalar faoliyati.....	23
Said Kasımoğlu. Orta Asya ülkelerinde el sanatları ve hüsn-i hat gelişimi	26
N.Karimov. Al-Hakim at-Termiziy asarlarida ilm an-nafs masalasi.....	34
Najat Khalil. Central Asian women who contributed to islamic civilization.....	37
Alidost Ertuğrul. Miras koruma olgusunun Özbekistan ve Orta Asya'ya katkıları.....	49
N.Nasrullayev. Ubaydulloh ibn Mas'ud sadrush-shari'a asarlarining islom manbashunosligida ahamiyati.....	51
Ayna Askeroğlu Arslan. Sovyet siyasetinin yıkici örneği olarak Kazakistan'daki kitlik (1918-1934).....	54
Attallah Alrawashdeh. Historical importance: a case study of Uzbek-Ottoman relations based on name-i Hümayun document no.5.....	57
Veysel Bulut. Türkiye kütüphanelerinde el-Kānun fi't-tib yazmaları	67
N.Tuychiyeva. Movarounnahrda tasavvuf ta'limotining tizimlashtirilishi	72
Betül Ayaz. Saduqas Ghilmani mirasi: mektuplar.....	74
Yekta Zülfikar. Najmaddin Daya's ideal leader and the concept of justice.....	77

I BO'LIM. MARKAZIY OSIYO MINTAQASIDA ISLOM ILMLARI: SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHI

M.Kamilov. Diniy-ma'rifiy sohadagi islohotlar.....	81
A.Hasanov. Qutayba ibn Muslim tomonidan Buxoro vohasining fath etilishiga doir masalalar.....	82
R.Matibaeva, Л.Рысбекова. Эпоха Хорезмшахов: расцвет науки и культуры	84
A.Ganiyev. Kharaj collection system in the Bukhara Emirate before the invasion of the Russian Empire	86
T.Xatamov. Tasavvuf ta'limotiga oid manbalarning o'rganilishi	88
M.Xodjayeva. Allomalar merosi-bebaho xazina	90
N.Nizomiddinov. Markaziy Osiyoning Koreya bilan aloqalari tarixi.....	92
M.Agzamova. Movarounnahrning islom sivilizatsiyasidagi o'rni.....	94
Sh.Toxtiyev. Eronda Safaviylar davlati tashkil topishining o'ziga xos xususiyatlari	98
S.Ummataliyev. "Futuh al-buldon" asari qo'lyozma nusxalari va ularning o'ziga xosligi	100
A.Akmalxonov. "Miftahu-l-ulumi" asarida harflar tasnifi	103
Sh.Avazova. Islom huquqida ijaraga oid huquqiy munosabatlar	105
Z.Zinatullayev. Movarounnahrning VIII-XI asrlar tarixiga oid ba'zi asarlarning tarixshunoslik tahlili.....	107